«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»
(«М А Ъ Қ У Л Л А Н Г А Н»)

Кузатув кенгаши томонидан
(ёки акциядорлар/иштирокчилар умумий йиғилиши/таъсисчи томонидан)
20__ йил «__» _____ даги
_____-сон баённома

Ж.Р.Ахмедов

М.Ў.

Кузатув кенгаши раиси /Умумий йиғилиш раиси /Таъсисчи раҳбари

« Бухороиефтгазиармалаш » АЖниинг
(ташкилот номи)

2021 йил учун

Б И З Н Е С Р Е Ж А С И

Давлат номидан акциядор (иштирокчи, таъсисчи) функциясини бажарувчи ташкилот номи	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
Идоравий мансублиги	_____
Почта манзили, e-xat манзили *(ёки электрон почта манзили)*	___buxoro – ngp@ mail.ru_____
СТИР (ИНН)	_____200978613_____
Ижроия органи раҳбари	_____Хусаинов Х.Т._____
Бош бухгалтер	_____Рустамов Х.Р._____

МУНДАРИЖА

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);

1.2 Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари;

1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;

1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;

1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;

1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;

1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

II. Корхонани ислоҳ қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;

2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;

2.3 Ислоҳ қилишнинг 2021 йил учун режаси;

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1 Бозор таҳлили

3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

3.3 Рақобат

3.4 Маркетинг режаси

IV. SWOT-таҳлили

V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

VI. Кўрсаткичлар

6.1 Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси;

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

6.2 Молиявий режа

6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар

6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш.

6.2.5 Пул оқимлари прогнози

6.2.6 Молиявий барқарорлик, ликвидлилик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки

6.2.7 Давлат бюджетига тўловлар прогнози

6.2.8 Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаш корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)

VII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)

VIII. Иш ҳақи тўлаш тизими

IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)

X. Маҳаллийлаштириш

XI. Инвестиция лойиҳалари

XII. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш

XIII. Экология ва атроф муҳитга таъсири

XIV. Иловалар

14.1 Маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажми

14.2 Таннархни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар

14.3 Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режа-жадвали

14.4 2021 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг асосий кўрсаткичлари

14.5 Кутилаётган бухгатерия баланси (чораклар кесимида)

14.6 Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб борувчи тартибда чораклар кесимида)

14.7 Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети)

14.8 Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

Корхона тўғрисида маълумот, корхона паспорти

Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи -
"Buxoroneftgazparmalash" aksiyadorlik jamiyati("BNGP" - БНГП АЖ)
Ташкилий-ҳуқуқий шакли - Акциядорлик жамияти - AJ
Фаолият тури - нефть ва газ қудуқларини қуриш
Тармоқ- нефть ва газ тармоги
Юридик манзили- Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти Қоровулбозор шаҳри Буюк ипак йули 4 - уй
Устав капитали – 22 744 120 минг сум
Чиқарилган акциялари – 4 548 824 дона (оддий ва имтиёзли)
Статистик таснифлари ( )
СТИР – 200978613
Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки – 20210000300425261001
"Ўзбекистон Саноат Қурилиш" АТБ Қоровулбозор регион филиали

Бухоронефтгазпармалаш ташкилот сифатида 1959 йилда ташкил топган бўлиб,1996 йилда акциядорлик жамияти сифатида рўйхатдан ўтказилган . 22 744 120 минг сўм Устав фондига эга .Жамиятни ташкил этишнинг асосий мақсади – даромад олиш ва Ўзбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини барпо этиш , нефть ва газ қудукларини қуриш , пармалаш , синашдан иборат . Жамиятимизнинг бино ва иншоотлари эгаллаб турган майдон жами 8,064 га ни ташкил этади.шундан :

Жамиятимизга қарашли шлаб чикариш базаси ва автожамланма территорияси 5,986 Га ни.маъмурий бино майдони 1,44 Га ни , жамиятимизга қарашли ётоқхона ва мехмонхона майдонлари 0,638 га ни ташкил эади .

Ҳозирги кунда "Бухоронефтгазпармалаш" Акциядорлик Жамияти балансида жами бўлиб 7 дона (Уралмаш 4 Э – 4 дона ва Уралмаш 3 Д – 2 дона ва 1 дона ZJ DBS - 50) бурғилаш дастгоҳлари мавжуд.

"Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятининг тасдикланган ташкилий тузилмасига асосан шу бурғилаш дастгоҳларида ишлаш учун ва шунингдек ёрдамчи цехларда ,жамиятимиз таркибидаги автожамланма ишчилари , жами мухандис - техник ходимлар билан бирга жамиятимизда 860 кишига мўлжалланган иш жойлари ташкиллаштирилган .

1.2. Корхона тарихи, охирги йилларда эришган ютуқлари

"Бухоронефтгазпармалаш Акциядорлик жамоаси 1959 йилда асос топган бўлиб , Ўзбекистон Республикамизнинг нефть ва газ иқтисодининг ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жамиятимизнинг асосий иш фаолияти нефть ва газ қудуқларини бурғилашдан иборат. Шу йиллар давомида жамиятимизда етук , ўз ишининг устаси , малакали мутахасислар , мухандис – техник ходимлар етишиб чиқиб , нефть ва газ захиралари мавжуд Республикамизнинг барча конларида чуқурлиги 1800 метрдан 3700 метргача бўлган эксплуатацион , қидирув йўналишлари бўйича наинки вертикал балки горизонтал ва қияли бурғилаш ишларини олиб бориб , юкори иқтисодий ва молиявий кўрсатгичларга эришиб келинди :

	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й (10 ойида)
Бурғилаш ҳажми (погона метр)	**51306**	**44015**	**50150**	**66400**	**54564**	**8878**
Бургилаб топширилган қудуклар сони (қудуқ)	**18**	**17**	**19**	**27**	**25**	**7**
Бажарилган ишлар хажми млн. сумда	**169755**	**150319**	**91163**	**115014**	**120200**	**50200**
Ўртача ишчилар сони						

2017 йилга қадар акциядорлик жамиятимиз мавжуд бургилаш дастгохлари ёрдамида Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекнефтегаз" Холдинг Компаниясига қарашли "Ўзгеобурғунефтгаз" акциядоарлик жамияти таркибида фаолият юритиб , Республикамиз территориясида мавжуд нефть ва газ кудуқларини қурилиши ишларида фаол катнашиб келинди .

2017-2021 йиллар учун нефть ва газ қудуқларининг қурилиши ишларини бажариш тўғрисидаги"Бухоронефтгазпармалаш" АЖ - «Ўзбурғунефтегаз» АЖ ва "ERIELL OILFIELD SERVISES MIDDLE EAST DMCC" Компанияси билан имзоланган шартномага асосан , 2020 йилнинг 1 январ ҳолатига қадар шартноманинг 1- лот (қисми)ва шартномага илова килинган титул руйхатига асосан нефть ва газ кудукларининг бурғилаш ишлари олиб борилди .

2019 йилнинг июнь ойидан жамиятимиз Давлат Активлари тасаруффида фаолият юритиб келмокда . Жорий 2020 йил давомида бурғилаш иш ҳажмларининг мавжуд эмаслиги натижасида , хозирги кунда ушбу бурғилаш дастгоҳлари бурғилаш бригадалари ишчиларининг иш хақи ва бурғилаш дастгоҳларининг (амортизация) харажатларини қоплаш мақсадида **"ERIELL OILFIELD SERVICES MIDDLE EAST DMCC" Компанияси** (5 та бургилаш дастгохи) ва **"EPSILON DEVELOPMENT COMPANY" МЧЖ** га (1 та бурғилаш дастгоҳи) ижара шартномаси асосида жорий йилнинг охирига қадар бурғилаш ишларини олиб бориш учун топширилган .

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

Ишлаб чиқариш қувваатидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги			Қувватдан фойдаланиш			
			2018 й.	%	2019 й.	%	2020й.	%
1.	Бургилаб ўтиш ҳажми	погона метр	71500 / 66400	93	46500/ 54685	117.6	8950 / 8878	99
2.	Топширилган қудуқлар сони	қудуқ	34 / 27	79	24 / 24	100	8 / 7	87.5
Бурғилаш ускуналарининг сони		Дона	11		7	75	7	64
жами								

1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

“Бухоронефтгазпармалаш” акциядорлик жамиятимизнинг ташкилий тузилмаси акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган бўлиб , жами жамиятимизда 860 кишини ташкил этади . шундан 154 киши – мухандис –техник ходимлар бўлиб , унинг таркибида бошқарув ходимлари сони 12 кишини ташкил этади .Жамиятимиз ташкилий тузилмаси таркибида аосий ишлаб чикариш яъни бурғилаш дастгоҳларимиз ёрдамида бургилаш ишларини олиб бориш учун .жамиятимизга тегишли ишлаб чиқариш базаси мавжуд бўлиб , унда элетроцех , чилангарлик цехи , токарлик цехилари иш юритадилар . Шунингдек нефть ва газ кудукларини қурилиши жараёнлари хизмат кўрсатувчи жамиятимиз таркибидаги автожамланма мавжуддир . Акциядорлик жамиятимизда тасдиқланган ташкилий тузилма илова қилинади : Илова (жамиятимиз ташкилий тузилмаси схемаси -1 варақда)

Корхонанинг ташкилий тузилмаси : илова *(схема)*

Жамиятимизни ижтимоий органи деб корхонамиз раҳбари яъни акциядорлик жамиятимиз яккабошчилик асосидаги ижроия органи директори ягона бошкарувчи хисобланади . Директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошкаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги . Жамият Устави ,”Жамият яккабошлик асосидаги ижроия органи тугриси”даги Низоми , Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади. Директор акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради . Директор жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади.Жамият номидан жамиятнинг директор билан меҳнат шартномасини жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади .

Корхона тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати:
(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар, филиаллар)

минг.сўм

№	Корхона номи	Улуш миқдори *(%)*	Устав капитали *(баланс қиймати)*	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2019й.	2020й.	2019й.	2020й.
1. Тизимдаги корхоналар								
1.	0	0	0	0	0	0	0	0
2.	0	0	0	0	0	0	0	0
3.	0	0	0	0	0	0	0	0
4.	0	0	0	0	0	0	0	0
2. Носоҳавий активлар								
5.	0	0	0	0	0	0	0	0
6.	0	0	0	0	0	0	0	0
7.	0	0	0	0	0	0	0	0
3. Бўш турган объектлар ва қувватлар								
8.	0	0	0	0	0	0	0	0
9.	0	0	0	0	0	0	0	0
10.	0	0	0	0	0	0	0	0
11.	0	0	0	0	0	0	0	0
12.	0	0	0	0	0	0	0	0
жами		0	0	0	0	0	0	0

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

"Бухоронефтгазпармалаш"акциядорлик жамиятимиз ташкилий тузилмасига асосан 860 кишилик иш ўринларидан ташкил топган , шундан 143 киши инженер –техник ходимлар бщлиб , бошқарув аппарати сони 12 кишини ташкил этади . 2020 йил бошидан жамиятимиздаги мавжуд бургилаш дастгоҳларини бўш туриб қолмаслиги . уларнинг харажатларини қоплаб бориш ва ишчи ходимларни иш билан таъминлаш мақсадида **"ERIELL OILFIELD SERVICES MIDDLE EAST DMCC" Компанияси** (5 та бурғилаш дастгохи) ва **"EPSILON DEVELOPMENT COMPANY"** МЧЖ га (1 та бурғилаш дастгоҳи) ижара шартномаси асосида жорий йилнинг охирига қадар бурғилаш ишларини олиб бориш учун топширилган . Ушбу ижарага топширилган бурғилаш дастгоҳларининг тегишли ишчи ходимлари ишдан

бўшаб , Буюртмачи томонидан ишга қабул қилиниб .(ижара шартномаси шартларига асосан) майдонларида олиб борилаётган нефть ва газ қудуқлари қурилишида ўз мутахасисликлари бўйича ишлаб келмоқдалар . Ушбу юкорида келтириб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда жорий йилнинг 1 январь ҳолатида ишчилар сони 698 кишини ташкил этган бўлса . жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатида ишчилар сони 431 ишчини ташкил этмокда .Ўтган йиллар давомида кадрлар кўнимсизлиги даражаси қуйидагича:

	Йил бошида	Йил охирида	Кўнимсизлик даражаси
2017 йилда	1032	970	3.4 %
2018 йилда	970	886	11.3 %
2019 йилда	886	698 .	30.2 %
2020 йил (10 ойида)	698	431	38.1 %

Жамиятимизга ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига кўра амалга оширилмокда .Ходимларнинг малакасини ошириш бўйича ҳар йили тегишли режа ва чора-тадбирлар тузилади ва шартнома асосида тегишли йўналишлар бўйича ўкитилади . Пандемия ва шунингдек бурғилаш ускуналари ишчи – ходимлари билан **"EPSILON"** ва "ERIELL" Компаниялари бурғилаш дастгоҳларининг ижарага берилганлиги сабабли жорий йилда ходимлар малакасини ошириш бўйича ишлар олиб борилмаган .

Ўтган йиллар давомида жамиятимиздаги ишчиларимиз айникса иженер-ходимлар томонидан Республикамизининг нефт ва газ қудуқларининг қурилишида эришган ютуқлари .муваффакиятларини айтиб ўтиш жоиздир. Шу йиллар давомида жамиятимизда етук , ўз ишининг устаси , малакали мутахасислар , мухандис – техник ходимлар етишиб чиқиб , нефть ва газ захиралари мавжуд Республикамизнинг барча конларида чуқурлиги 1800 метрдан 3700 метргача бўлган эксплуатацион , қидирув йўналишлари бўйича наинки вертикал балки горизонтал ва қияли бурғилаш ишларини олиб бориб , юкори иқтисодий ва молиявий кўрсатгичларга эришиб келинди .

Жамиятимизда озод касаба уюшмаси қўмитаси мавжуд , касаба қўмитаси билан ўзаро келишиб имзоланган жамоа шартномасида барча ишчи ходимлар моддий - маънавий ҳуқуқларини ҳимоя этиб, йиллар давомида ишчи - ходимларимизни қонунчилик асосида ўз талаб ва истаклари, ижтимоий қўллаб-кувватлашга каратилган ишлар, соғлиғини тиклаш, (ижтимоий пакет) ва бошқалар юзасидан маънавий ва моддий томондан қўллаб- қувватлаб келинмокда.

Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.			Акциядорлар:

	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги. - ИПООО"ALPENFORT CAPITAL» (22.06 %) - ООО "FOYKON – INVEST" (1.17%) - Central Asia Investment Company LTD(0.03%) - Research Alpha (0.68%) - ООО"ENERGOKIMIOMARKAZ» (0,61 %) Жисмоний шахслар		▪ Йирик акциядорлар - _51.27__% (____ дона акция), ▪ Юридик шахслар жами - _23.94__% (_1089316___ дона акция) ▪ Жисмоний шахслар - _24.79__% (_1127500___ дона акция)
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
2.	Ахмедов Жамшид Рустамович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи *(2019 йилдан)*	-
3.	Ризаев Хаёт Гиёсович	Акциядор вакили *(2020 йилдан)*	-
4.	Астанақулов Музаффар Мухсин угли	Акциядор вакили *(2020 йилдан*	-
5.	Валижонов Жамшид Мухриманович	Акциядор вакили *(2020 йилдан*	-
6.	Хусаинов Шавкат Абдушукурович	Акциядор вакили *(2020 йилдан*	-
7.	Шхалиев Али Аллахшукюр огли	Акциядор вакили *(2020 йилдан*	-
8.	Гафиятуллин артур Адгамович	Акциядор вакили *(2020 йилдан*	-
9.	Мурадов Камалатдин Нуритдинович	Акциядор вакили *(2020 йилдан*	-
III. Ижроия органи			
10.	Хусаинов Халмурза Турамуратович	Ижроия органи якка бошчилик рахбари – жамият директори вазифасини вактинча бажарувчи, *(2020 йилдан)*	__0.053_% (__2296__ дона акция)

1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи

"Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикамизнинг нефть ва газ иқтисодининг ривожланишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жамиятимизнинг асосий иш фаолияти нефть ва газ қудуқларини бурғилашдан иборат. Шу йиллар давомида жамиятимизда етук , ўз ишининг

устаси , малакали мутахасислар , мухандис – техник ходимлар етишиб чиқиб , ҳозирги вақтда нефть ва газ захиралари мавжуд Республикамизнинг барча майдонларида фаолият юритиб келаётган ташкилотларда Ўзбекистон Республикамизнинг режалаштирилган углеводород хом -ашё қазиб чиқаришни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар қарорларининг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилишини таъминлаш мақсадида,салоҳиятларини оширган ҳолда жонбозлик кўрсатиб , бурғилаш ишларини олиб бориб , юкори иқтисодий ва молиявий кўрсатгичларга эришиб келмоқдалар .

1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

"Бухоронефтгазпармалаш"Акциядорлик Жамиятимизда йўналиши мўлжалланган нефть ва газ қудуқларини бургилаш жараёни ва ундаги сифат даражасига катта эътибор бериб келинади . Қудуқ қурилиши жараёни ҳар бир этапида ; қудуқ қурилиши учун вақтинчалик йул қурилиши , сув қудуқларини казиш , бурғилаш дастгоҳларини монтаж ва демонтаж ишлари , бундан ташкари қудуқни бургилаш жараёни билан бевосита боғлик мустахкамловчи қувурларни тушириш , қудуқда лойихаларда белгиланган норматив вақт оралигида сифатли моддий техник ресурслардан фойдаланган ҳолда сифатли қудуқ қурилиши ишлари олиб борилиши қудуқ қурилиши Буюртмачи , текширув органлари томонидан назорат олиб борилади . Қудуқ қурилиши ишлари нефть ва газ қудуқларини қурилиши ишларини лойиҳалаштирувчи институтларнинг сифат ва норматив ҳужжатларига асосланган , тасдиқланган лойиҳалар асосида олиб борилади .

II. Корхонани ислоҳ қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия;
2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва боскичлари;
2.3 Ислоҳ қилишниг 2021 йил учун режаси;

"Бухоронефтгазпармалаш" Акциядорлик Жамиятимиз 2021 йил ва ундан кейинги йиллардаги ривожланиш стратегияси асосан нефть ва газ соҳасида ишлатиш (эксплуатацион) ва қидидирув йуналишлари бўйича нефть ва газ қудуқларининг бурғилаш ва ўзлаштириш ва Буюртмачига топшириш режаларини янада мукаммала ўрганиш ва амалда тадбиқ этишдан иборат. Асосий мақсадимиз 2021 йил ва кейинги йиллар учун жамиятимиздаги бурғилаш дастгоҳларини тўлиқ иш билан таъминлаган ҳолда жамиятимиз молиявий иқтисодий кўрсатгичларининг динамикаси суратларини янада оширишдан ва Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ қазиб чиқариш ҳажмларини оширишдан иборат .

III. Бозор ва маркетинг режаси

3.1. Бозор таҳлили

Корхона маҳсулотлари (хизматлари)нинг асосий бозори тўғрисида маълумотлар, бозордаги талаб, бозорда кетиши мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажми ва бозорни кенгайтириш бўйича истиқболдаги режалар тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Бунда, маҳсулот (хизмат)лар кесимида

бозордаги нархлар, уларнинг ўсиш ва пасайиш прогнозлари тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш талаб этилади.

Маҳсулот (хизмат)ларнинг сотиш тартиби ва маҳсулот бозори билан боглиқ бошқа маълумотлар кўрсатилиши лозим.

3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ларнинг асосий истеъмолчилари, уларнинг таркиби ва гуруҳлари тўгрисида маълумотларни гуруҳлаш. Бунда:

- асосий истеъмолчилар таркиби, уларнинг салоҳияти;
- йирик истеъмолчилар талаби;
- охирги истеъмолчи ким экани ва ҳ.к.

3.3. Рақобат

Корхонанинг рақобатчилари (республика ичида ва ташқарисида) тўғрисида, уларнинг сони, ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотлари нархи, бозордаги улуши, уларнинг маҳсулотлари билан корхона маҳсулоти ўртасидаги фарқ, устунлик томонлари ва бозордаги рақобат билан боғлиқ бошқа маълумотлар кўрсатилади.

3.4. Маркетинг режаси

Корхонанинг нарх сиёсати, уларни белгилаш тартиби, маҳсулот сотишга бўлган харажатлар, реклама, диллерлар ва дистрибьютор фаолияти, маҳсулотни етказиб бериш, экспорт қилинадиган мамлакатлар кўрсатилади.

IV. SWOT-таҳлили

Корхона бизнес режасида SWOT-таҳлил бўлиши лозим. Бунда корхонанинг кучли ва заиф томонлари, имкониятлари таҳлили келтирилиши ҳамда хатарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

V.Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Жамиятимиздаги мавжуд бургилаш дастгоҳларининг 71.4 фоизи электр курилмалари билан жиҳозланган. яъни 5 дона Уралмаш 4 Э ва 2 дона Уралмаш 3Д бурғилаш дастгоҳларидан иборатдир.Бажарилган ишлар таркибидаги энергоресурсларга бўлган талабнинг тўлақонли бажарилиши ва меъёрлар даражасида харажатлари жамиятимизда мувофиқлаштирилиб , энергоаудит ташкилотлари томонидан текширилиб келинмоқда .Бу энергоаудит томонидан ўтказилган текширув натижаларига кўра ишлаб чикариш жараёнида энергоресурслардан фойдаланиш бўйича барча берилган таклифлар .кўрсатмалар асосида корхонамизда энергоресурслардан самарали фойдаланиб келинмоқда. 2018 йилда жамиятимизга қарашли ишлаб чиқариш базасида сиғими 200 литрли қуёш энергияси ёрдамида иситадиган коллектор ўрнатилган ва шунингдек 2 Квт эл.энергия берадиган панелли қуёшли батареяси ўрнатилган . Ўтган 2019 йилда Жанубий кемачи ва Шимолий Ўртабулоқ майдонларида ишчи – ходимларимиз

яшайдиган ишчи шахарчасида ҳам 200 литр сиғимли қуёш энергиясида сув иситадиган коллекторлар ўрнатилди . Жами бўлиб бу қурилмадан жамиятимиз иш фаолияти учун 4 дона ўрнатилган бўлиб , бу қурилмаларнинг ҳар бири йилига 14976 Квт эл. Энергияни иқтисод қилишига эришиб келинмоқда .

"Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятимизда маҳсулот етиштиришдаги энергоресурслар жамланмаси : ёқилғи . эл.энергия ва газ харажатларидан иборат бўлиб ,уларнинг сарфлари қуйидагиларни ташкил этган :

	Эл.энергия сарфи(минг.Квт)	Табиий газ(минг м3)
2018 йил	11745,5	87,856
2019 йил	8517,4	47,898
2020 йил	1216,1	3,302

Жамиятимиз бўйича энергоресурслари харажатлари қуйидагиларни ташкил этган :

2018 йил	6490 млн. сум
2019 йил	6188 млн.сум
2020 йил	977 млн.сум

Ушбу энергоресурсларнинг жамиятимиздаги ишлаб чикариш билан боғлиқ харажатларга нисбати:

	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	Энергоресурслар харажатлари	Нисбати % да
2018 йил	113370 млн.сум	6490 млн. сум	5,72
2019 йил	118296млн. сум	6188 млн.сум	5,23
2020 йил (9 ойида)	42580 млн.сум	977 млн.сум	2,29

VI. Кўрсаткичлар

6.1. Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Хомашё захираси

"Бухоронефтгазпармалаш" акциядорлик жамиятимиз нефть ва газ конларида нефть ва газ , газо - конденсат захиралари мавжуд захираларни кидируви бўйича ва ишлатув қудуқларининг бурғилаш ва ўзлаштириш бўйича фаолият юритиб келмоқда. Жамиятимиз фаолияти Буюртмачи корхоналар : "Ўзбекнефтегаз" АЖ , "ERIELL OILFIELD SERVICES MIDDLE EAST DMCC"Компанияси ва "EPSILON DEVELOPMENT COMPANY" МЧЖ,«Ўзнефтегаз БИ» МЧЖ лар томонидан берилган йиллик буюртмалар асосида нефть ва газ қудуқларини бурғилаб , бу буюртмалар бўлмаган ҳолларда жамиятимиздаги мавжуд бурғилаш ускуналарини шу юқорида келтириб ўтилган буюртмачи ташкилотларга вақтинчалик бурғилаш ишларини олиб боришлари учун ижара шартномаси асосида фойдаланишга топширилади .

6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

Бош буюртмачилар билан тузилган шартномаларга асосан буғилаш дастгоҳларимиз ёрдамида ўз ишчи кучларимиз билан нефть ва газ қудуқларини қазиб бериш режалаштирилганда ,жамиятимиз бўйича асосий кўрсатгичлардан бу : бурғилаб ўтиш ҳажми ва қазиб топширилган қудуқлар сони асосий кўрсатгичлардан хисобланади. Бунда ҳар бир бурғилаш дастгоҳи ёрдами бурғилаш ишлари,уларга кетган вақт бирлиги , бурғилаш тезлиги , бурғилаш ишларини олиб бориш учун ёрдамчи кучлар яъни токарлик ,чилангарлик цехлари хизматлари ,транспорт ва махсус техника хизматлари вақтлари , харажатлари алохида – алохида тартиби олиб борилиб , якуний натижада Буюртмачига топширилаётган нефть ва газ қудуқлари лойиларда белгиланган вақтга нисбатан сарфланган вакт миқдори ва унга мутаносиб кетган харажатлар таҳлил этилиб , бурғилаб ўзлаштирилган қудуқ Буюртмачига топширилади .

	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й (10 ойида)
Бурғилаш ҳажми (погона метр)	51306	44015	50150	66400	54564	8878
Бургилаб топширилган қудуқлар сони (қудуқ)	18	17	19	27	25	7

Буюртмачи томонидан бурғилаш ишларини олиб бориш учун режалаштирилган нефть ва қудуқлари лойихада белгиланган норматив меъёрлар даражасида материал - техник ресурслар сарфлаган ҳолда лойихада белгиланган чуқурликда .малум йуналиш (вертикал . қияли . горизонтал) бўйича жамиятимиз ишчи кучлари ёрдамида ва инженер –техник ходимлари бошчилигида шу қудуқларда бурғилаш . синаш ишлари сифатли олиб борилиб .якунлангандан сунг Буюртмачига топширилади .

Шунингдек буюртмачиларнинг ўз ишчи кучлари ёрдамида бурғилаш ишларини олиб боришлари учун жамиятимздаги бурғилаш дастгоҳлари буюртмачиларга вақтинчалик ижарага топширилади .Бу курсатгичларда ижарага топширилган бурғилаш дастгоҳлари ифодасида кўрсатилади .

6.1.3. Жорий (6 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

Ўтган йилларда жамиятимиз бўйича эришилган техник кўрсатгичлар динамикаси ижоби ҳолатда бўлиб .

	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й (10 ойида)
Бурғилаш ҳажми (погона метр)	51306	44015	50150	66400	54564	8878
Бургилаб топширилган қудуқлар сони (қудуқ)	18	17	19	27	25	7

“_____”АЖ/МЧЖ/ДУКнинг 2021 йил учун ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш

РЕЖАСИ

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа қуввати	Қувватдан фойдаланиш				Режа		*Шундан*				Ўсиш/ камайиш ,%
				2019 й.	%	2020й.	%	2021й.	%	*1-чорак*	*2-чорак*	*3-чорак*	*4-чорак*	
I. Корхона бўйича														
1.	Бурғилаш ҳажми	Погона / метр		54685	117.6	8878								
2.	Бурғилаб топширилган қудуқлар сони	қудуқ		24	100	7								
1.	Ижарага берилган бургилаш дастгоҳлари	дастгоҳ	7	6		7		6		7	6	6	7	7	117
жами														
II. Корхона тизимидаги ташкилотлар билан бирга (йиғма)														
3.														
4.														
жами														

6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси

“Бухоронефтгазпармалаш”АЖ нинг 2021 йил учун ишлаб чиқариш

РЕЖАСИ*

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	2019й. *(факт)*	2020й. 9-ойлик *(факт)*	2020й.		2021й. *(режа)*	Ўсиш, %	*Жумладан*			
					режа	*кутилаётган*			*1-чорак*	*2-чорак*	*3-чорак*	*4-чорак*
I. Корхона бўйича												
2.	Бурғилаш ҳажми	Погона / метр	54685	8878	8950	8878	0	0	0	0	0	0
3.	Бурғилаб топширилган	қудуқ	24	7	8	7	0	0	0	0	0	0

	қудуқлар сони											
4.	Ижарага берилган бургилаш дастгоҳлари	дастгоҳ	1	6	7	6	7	117	6	6	7	7
жами												
II. Корхоиа тизимидаги ташкилотлар билаи бирга (йиғма)												
5.												
6..												
7.												
жами												

*) Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари режасини белгилашда ҳар бир маҳсулот (хизмат) кесимида режани белгилашда инобатга олинган омиллар тўғрисида батафсил маълумот ва ҳисоб-китоблар, шу жумладан, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатларининг асосланган алоҳида ёритилиши керак. Бунда маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати камида 20-25 фоиз бўлиши лозим.

"Бухоронефтгазпармалаш"АЖининг 2021 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш РЕЖАСИ**

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	2019й. *(факт)*	2020й. 9 ойлик *(факт)*	2020й.		2021й. *(режа)*	Ўсиш, %	Жами тушум даги улуши	Шу жумладан			
				режа	*кутилаё тган*				*1-чорак*	*2-чорак*	*3-чорак*	*4-чорак*
I. Корхона бўйича												
1.	**Жами соф тушум** *(эгри солиқларсиз)*	120066	48951	70460	58480	65800	112.5	99.8	10500	13000	17800	24500
шу жумладан, маҳсулот тури бўйича												
2.	А) Маҳсуот гуруҳи											
3.	Б) Маҳсулот гуруҳи											

6.2. Молиявий режа

6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар таҳлили

Жамиятимиз ўтган 2017-2019 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг № 2822 - сонли " 2017-2021 йилларда режалаштирилган углеводород хом -ашё казиб чиқаришни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар Дастури" қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида"Ўзбурғунефтгаз" АЖ ва "ERIELL OILFIELD SERVISES MIDDLE EAST DMCC" Компанияси билан ҳамкорликда нефть ва газ қудуқларининг қурилиши бўйича фаолият кўрсатиб келинди . Ўтган 2019 йил давомида ҳамкорликда тузилган шартномага асосан жамиятимиздаги мавжуд 7 та бурғилаш дастгоҳлари ёрдамида ва шунингдек маҳаллий ташкилотлар ўртасида нефть ва газ қудуқлари қурилиши ишларида ҳамкорликни давом эттирган ҳолда , жамиятимиздаги мавжуд ўз ишчи кучларимиз ёрдамида бурғилаш дастгоҳлари билан нефть ва газ қудуқларини қурилиши ишлари жадал суръатларда олиб борилди . Натижада йил давомида жамиятимиз олдига қўйилган йиллик 46500 погона метрлик бурғилаб ўтиш ҳажми жами 117.6 % га бажарилиб 54685 погона метрга етказилди .Шунингдек йил давомида қазиб топширилган қудуқлар сони режада белгиланганига нисбатан 100 фоизга бажарилиб 24 та қудуққа етказилди . Йил давомида умумий бажарилган ишлар киймати 120 млд 066 млн. сўмни ташкил этиб йиллик режа (123500 млн. сўм) 97.2 % га бажарилди . Йил давомида "бошка тушумлар" миқдори 19 млд. 454 млн. сўмни ташкил этди .Йил давомида умумий жамият бўйича ишлаб чикариш учун қилинган харажатлар микдори 118 млд. 296 млн. сўмни ташкил этган бўлиб , давр харажатлари микдори 15 млд. 260 млн. сумни ташкил этган бўлиб йил давомида солик тўлагунча фойда миқдори режада белгиланган 5570 млн. сум ўрнига 107 фоизга бажарилиб ҳакикатда 5965 млн.сўмни ташкил этди . Ўтган 2019 йил давомида умумий бажарилган ишлар ҳажмидан кўрилган фойда ҳисобида жами бўлиб 1120 млн.сумлик фойда солиғи тўланди . Натижада йил якунилари бўйича режада белгиланган 4765 млн. сўмлик соф фойда миқдори ҳақиқатда 4845 млн. сўмга 101.7 фоизга бажарилди . Соф фойдага нисбатан рентабеллик даражаси 4,1 % ташкил этди .

"Ўзбекнефтегаз" Акциядорлик Жамиятининг 2020 йил иш ҳажмларини "ERIELL OILFIELD SERVISES MIDDLE EAST DMCC" Компанияси тендерда ютиб олганлиги сабабли жорий 2020 йил давомида жамиятимиздаги бурғилаш иш ҳажмларининг мавжуд эмаслиги натижасида , техник – иқтисодий кўрсатгичлар ўтган йилларга нисбатан динамикаси пасайиб , ҳозирги кунда 2020 йил учун жамиятимиздаги бурғилаш дастгоҳлари "ERIELL OILFIELD SERVICES MIDDLE EAST DMCC"Компанияси ва "EPSILON DEVELOPMENT COMPANY" МЧЖ Буюртмачи ташкилотларга вақтинчалик бурғилаш ишларини олиб боришлари учун ижара шартномаси асосида фойдаланишга топширилган . Жорий 2020 йил учун

кутилаётган иш ҳажми - тушум миқдори қиймати 58480 млн.сум миқдорида бажарилиши кутилмоқда , бу режага нисбатан (70460 млн.сўм) 83 фоиз бажаришини кўрсатади .Йиллик жами бурғилаб ўтиш ҳажми 8878 погона /метрни ташкил этиб ,йиллик режанинг (8950 п/метр) 99 фоизга бажарилишини , бурғилаб топширилган қудуқлар сони йиллик режанинг 87.5 фоизини ташкил этиб , ҳакикатда 7 тага етказилиши (режада 8 та қудуқ) режалаштирилмоқда . Шунингдек йил давомида ижарага топширилган бурғилаш дастгоҳлари ўртача сони 4.5- 5 тага етказилиши кутилмоқда . Жами жорий йил давомида бажарилган ишлар , кўрсатилган хизматлардан йил давомида солиқ тўлангунча олинган фойда миқдори ҳақиқатда 1350 млн.сум етказилиши ёки бўлмаса режага нисбатан (1153 млн.сум) 117 фоизга бажарилиши кутилмоқда .

	2015 й	2016 й	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й (12 ойида)
Бурғилаш ҳажми (погона метр)	51306	44015	50150	66400	54564	8878
Бургилаб топширилган қудуқлар сони (қудуқ)	18	17	19	27	24	7
Ижарага топширилган бурғилаш дастгоҳлари сони	0	0	0	0	1	6
Соф тушум (млн.сўм)	169755	150319	91163	115014	120066	58480

Жамиятимиз бўйича иш ҳажмлари , соф тушум ва молиявий натижа фойда миқдорининг камайишининг асосий сабабларидан бу жамиятимиздаги мавжуд бурғилаш дастгоҳларининг бўш туриб қолишлиги (жамиятимиз раҳбарияти ёки бўлмаса ишчи - ходимларига боғлиқ бўлмаган ҳолатда) , ёки бўлмаса бурғилаш дастгоҳларининг (иш ҳажмларинг йўклиги сабабли иш бажарувчи яъни жамиятимизга боғлиқ бўлмаган ҳолатда) жамиятимиздаги ўз ишчи кучларимиз ёрдамида жамиятимиздаги бурғилаш дастгоҳларимиз билан нефть ва газ қудуқларини бурғилаш жараёнларида вақтинчалик иштирок этмай қолганлиги сабабдир .

6.2.2 *Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)*

"Бухоронефтгазпармалаш"Акциядорлик Жамиятимизда 2021 йил учун 65950 млн. сум миқдорида умумий тушум яъни даромадлар қисмини ташкиллаштириш режалаштирилмоқда .Келгуси йил давомида олинадиган тушумнинг 88 фоизини яъни ишлаб чиқариш билан боғлиқ таннарх харажатлари ташкил этиши режалаштирилмоқда .Бундан ташқари йиллик тушумга нисбатан давр харажатлари 9.8% фоизни ташкил этиб , жамият бўйича олинадиган солиқ тўлангунча фойда миқдори 1430 млн.сумга етказиш режалаштирилаяпти .

"Бухоронефтгазпармалаш"АЖнинг
2021 йил учун молиявий-иқтисодий сметаси (бюджети)
РЕЖАСИ

млн.сўм

№	Кўрсаткичлар	2019й.	2020й. 9 ойлк *(факт)*	2020й *(кутила-ётган)*	2021й. *(режа)*	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	*%*	*1-чорак*	*2-чорак*	*3-чорак*	*4-чорак*
1.	**Жами даромад** *(эгри солиқларсиз), шу жумладан:*	**139521**	**49002**	**58550**	**65950**	**+7400**	**113**	**10530**	**13040**	**17830**	**24550**
	соф тушум	120066	48951	58480	65800	+7320	113	10500	13000	17800	24500

	бошқа даромадлар	19454.5	51	70	150	+80	214	30	40	30	50
	молиявий фаолият даромадлари	0.5	0	0	0	0	0	0	0	0	0
2.	**Ишлаб чиқариш таннархи**	**118296**	**42580**	**51565**	**58070**	**+6505**	**113**	**9520**	**11710**	**15580**	**21260**
	хомашё ва материаллар	6711	10685	11700	8000	-3700	68.4	1150	1900	2200	2750
	энергия ресурслари	6188	976	1110	1450	+340	130	170	250	380	650
	Ишчи-ходимлар иш хақи	27526	10176	16120	26390	+10270	164	5800	6100	7350	7140
	ижтимоий суғурта харажати	5956	3177	3610	4180	+570	116	950	970	1010	1250
	асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси	11242	9524	10325	10550	+225	102	1500	2390	3090	3570
	бошқа харажатлар	60673	8042	8700	7500	-1200	86.2	1250	1300	1900	3050
3.	**Давр харажатлари**	**15260**	**5221**	**5635**	**6450**	**+815**	**114**	**840**	**1100**	**1800**	**2710**
	савдо харажатлари	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	маъмурий харажатлар	1526	1610	1830	2000	+170	109	270	380	600	750
	бошқа операцион харажатлар, шу жумладан:	13734	3611	3805	4450	+645	117	570	720	1200	1960
	хомийлик ва бегараз ёрдамлар	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
4.	**Молиявий фаолият бўйича харажатлар**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**
	фоизлар шаклидаги харажатлар	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	валюта курси фарқидан зарарлар	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	**5964**	**1201**	**1350**	**1430**	**+80**	**106**	**170**	**230**	**450**	**580**
5.	**Фойда солиғи**	**1120**	**180**	**200**	**215**	**+15**	**107**	**25**	**35**	**65**	**90**
6.	**Соф фойда/зарар**	**4844.7**	**1021**	**1150**	**1215**	**+65**	**101**	**145**	**195**	**385**	**490**
7.	**EBITDA кўрсаткичи** *(млн.сўм / %)*	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**
8.	**Дебиторлик**	**74146**	**76141**	**35741**	**25000**	**-10741**	**70**	**30500**	**28700**	**27700**	**25000**
9.	**Кредиторлик**	**39317**	**24917**	**14708**	**11700**	**-3008**	**80**	**13400**	**12600**	**11900**	**11700**

Соф фойдани тақсимаш

млн.сўм

№	Йўналишлар	Улуши, %	2019й. якуни	2020й. якуни *(кутила-ётган)*	2021й. якуни *(режа)*	*шу жумладан,*		
						1-чорак	*2-чорак*	*3-чорак*
	Соф фойда		4844.7	1150	1215			
1.	Дивиденд учун жами, *шу жумладан*		0		613,575			
	имтиёзли акцияларга							
	оддий акцияларга, *шундан:*							
	давлат улушига				314,580			
2.	Инновацион ривожлантириш фондига				601,425			

3.	Захира фондига							
4.	Корхонани ривожлантириш учун							
5.	Бошқа мақсадларга							

Акциядорлик жамиятимиз учун келгуси 2021 йилдаги харажатлар ва даромадлар миқдори режалаштирилар экан , шу жойда жамиятимиз маъмурияти томонидан 2020 йил давомида айниқса 4- чорак давомида жамиятимиз иш фаолияти учун ташкилотимиздаги мавжуд бургилаш дастгоҳлари билан ўз ишчи – кучларимиз (бурғилаш бригадалари.ёрдамчи цехлар ишчилари) ёрдамида нефть ва газ қудуқларини бургилаш ишлари билан таъминлаш ва ташкилотимизнинг мавжуд 680 кишилик иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида барча юқори ташкилот раҳбарларига , шаҳар , вилоят ҳокимликларига мурожаати ҳақида тўхталиб ўтишимиз зарур . Жамиятимизнинг 2021 йил учун режалаштирилаётган барча молиявий – иқтисодий кўрсатгичларнинг бажарилиши жамият ишчи-ходимлари ва жамиятимиз бургилаш дастгоҳларимизнинг тўлиқ иш билан таъминланишига боглиқ бўлиб қолаяпти . Акс ҳолда келгуси йил давомида жамиятимиз молиявий –техник кўрсатгичлари динамикаси суръатлари пасайиши кузатилмоқда .”Бухоронефтгазпармалаш” Акциядорлик Жамиятимиз вилоятимизда йирик солиқ тўловчи ташкилот сифатида эътироф этилишида , пандемия даврида ишчи ўринларини сақлаб қолинишида ,Ўзбекистон Республикасида нефть ва газ казиб чиқариш ҳажмларини оширилишида ,маҳаллий ташкилотлар ўртасида нефть ва газ қудуқларини қуриш ишларида ҳамкорликни давом эттиришда , жамиятимиз ишчи – ходимларининг Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноатини ривожлантиришда ўз ҳиссаларини қўшишга имкон яратилишида , шунингдек “Ўзбекнефтегаз” Акциядорлик Жамияти томонидан 2021 йилда БУХОРО- ХИВА нефть ва газ регионида бургилаш режалаштирилаётган 100 дан ортиқ нефть ва газ қудукларидан бурғилаш учун иш ҳажмлари ажратилишида амалий ёрдам зарур.

6.2.3 Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)


Жамиятнинг асосий даромадлари манбаи кўрсатилади, бунда жамиятнинг асосий фаолиятидан олинадиган даромадларидан ташқари бошқа фаолиятдан олинадиган даромадлар батафсил кўрсатилиши лозим (масалан, ижара, бўш пул маблағларини депозитга қўйиш, мол-мулк сотиш, асосий воситани ҳисобдан чиқариш, бошқа хизматлар ва ҳ.к.) ва уларнинг ҳисоб-китоблари келтирилиши лозим.

млн.сўм

№	Даромадлар манбаи	2019й.	2020й. 9 ойлк *(факт)*	2020й *(кутила-ётган)*	2021й. *(режа)*	Ўзгариш		*шу жумладан,*			
						(+/-)	*%*	*1-чорак*	*2-чорак*	*3-чорак*	*4-чорак*
	Жами										
1.	**Асосий фаолиятнинг даромади**	120066	48951	58480	65800	+7320	113	10500	13000	17800	24500
2.	**Бошқа фаолиятдан даромад жами,** *шу жумладан:*	19454.5	51	70	150	+80	214	30	40	30	50
	ундириладиган жарима ва пенялар	0									
	ёрдамчи хизматлар	993	51	70	150	*+80*	*214*	***30***	***40***	***30***	***50***
	асосий воситаларнинг балансдан чиқарилиши	18461									
	бегараз молиявий										

	ёрдам, хомийлик										
3.	**Молиявий фаолият даромади жами,** *шу жумладан:*	0.5	0	0	0	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*
	олинадиган дивиденд ва қимматли қоғозлардан бошқа даромад	0.5	0	0	0	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*
	ижара ҳақи	0	0	0	0	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*
	ижобий курс фарқи	0	0	0	0	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*
	устамалар капитализацияси		0	0	.0	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*
	молиявий фаолиятдан бошқа	0	0	0	0	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*	*0*

Даромадларлар таркиби





6.2.4 Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш

Корхона томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик ёрдамлари тўғрисида маълумот

№	Ҳомийлик ёрдами олувчи ташкилотлар	2019й.	2020й. 9 ой	2020й. (кутила-ётган)	2021й. (режа)	Ўзгариш, %	шу жумладан,			
							1-чорак	*2-чорак*	*3-чорак*	*4-чорак*
	Жами									
	*Президент ва Ҳукумат қарорларига асосан**	0	0	0	0	0	0	0	0	0
1.										
2.										
3.										
	Президент Администрацияси ва Ҳукумат топшириқларига асосан	0	0	0	0	0	0	0	0	0
4.										
5.										
6.										
	Бошқа асосларга кўра	0	0	0	0	0	0	0	0	0
7.										
8.										
9.										

**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.08.2020 йилдаги ПҚ-4805-сонли қарорининг 4-бандида белгиланган ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган хомийлик ва беғараз маблағлари кўрсатилади.*

"Бухоронефтгазпармалаш" АЖ да иш жараёнига ва ишлаб чиқариш таннархига таъсир этувчи омиллар бу асосан жамиятимиздаги мавжуд бургилаш дастгоҳларининг лойиҳа сметаларида белгиланган норматив вақтга нисбатан кудукда курилиш ишларини олиб борилиши ва ишлаб чикариш билан боглиқ туриб колишларнинг олдини олиш ва камайтиришдан иборат. Шунингдек кудукнинг курилиши мобайнида у билан боғлиқ барча жараёнларда лойиха бахоларига амал қилган ҳолда ,нормативларга асосланган хом ашё ва материаллар сарфи ташкиллаштирилган ҳолда режалаштирилиши ва ишлатилиши таъминоти зарур .Нефть ва газ кудукларининг курилиши бўйича таннарх таркибини асосан "Хом ашё ва материаллар" харажат турлари таркибига кирувчи бурғилаш учун ишлатиладиган мустаҳкамловчи қувурлар харажати ташкил этади шунингдек бурғилаш жараёнида ишлар ҳажмини бажариш учун транспорт . махсус техника . реагентлар , геофизика ишлари харажатлари , электр хаво йўллари .бурғилаш кудукларини қазиш учун вақтинчалик йул курилиши харажатлар , чўл шароитида кудукларни бурғилаш учун эса сув қудуқлари харажатлари ва шунингдек бургилаш дастгоҳларининг бир меъёрда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун албатта етарли даражада бурғилаш ускуналари , эҳтиёт қисмлар , таъмир харажатларидан ташкил топади .

2021 йилда жамиятимиз бўйича режалаштирилаётган бажарилиши керак бўлган иш ҳажми таркибида таннархнинг улуши асосан бурғилаш дастгохларининг ижарага берилиши хизматларидан ташкил топади . Яъни ижарага берилган бурғилаш дастгоҳларини эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш ,уларнинг жорий ва капитал ремонти харажатлари , инженер – техник ходимлар ва ёрдамчи ишлаб чикариш цехлари ишчилари маошлари ,транспорт харажатлари ва бурғилаш дастгоҳларининг эскириш қиймати - амортизация харажатларидан иборат.

Ишлаб чиқариш таннархининг таркиби *(шаклланиши)*

млн.сўм

№	Харажатлар таркиби	Ўлчов бирлиги	Сони	2019й. *(факт)*	2020й. *9-ой (факт)*	2020й. *(кутила-ётган)*	2021й. *(режа)*	Ўсиш		*шу жумладан,*			
								(+/-)	%	*1-чорак*	*2-чорак*	*3-чорак*	*4-чорак*
1.	**Таннарх, жами**	*млн.сўм*		118296	42580	51565	58070	+6505	112.6	9520	11710	15580	21260
	Соф тушумдаги улуши	*%*	X	98.5	87.0	88.2	88.2		100	90.7	90.08	87.5	86.8
	таркиби												
1.1.	**Хомашё, материаллар, эхтиёт қисимлар, *шу жумладан:***	***млн.сўм***		**71900**	**18611**	**20188**	**22460**	**+2272**	**111.2**	**3650**	**4530**	**6075**	**8205**
1.1.1	*асосий хомашё:*	*млн.сўм*		65712	17635	19078	21010	+2147	111.2	3480	4280	5695	7555
	-хом- ашё)			6711	10685	11700	8000	-3700	68.4	1150	1900	2200	2750
	-ишлаб чиқариш хизматлари			59001	6951	7378	4800	-2578	65.1	1130	1200	1220	1250
	-бошқалар												
1.1.2	*энергия ресурслари:*	*млн.сўм*		6188	976	1110	1450	+340	130.6	170	250	380	650
	электр	*млн.сўм*		3734	740	840	1010	+170	120.2	120	180	270	460
	ёқилғи	*млн.сўм*		2454	236	270	440	+170	163	50	70	110	190
1.2.	**Ишчи-ходимларнинг иш хақи:**	***млн.сўм***		**27526**	**10176**	**16120**	**26390**	**+10270**	**1.64**	**5800**	6100	7350	7140
	мукофот пуллари			5879	1820	2206	4335	+2129	196.5	1050	785	1150	1350
	устама			4575	2465	3286	4556	+1270	139	906	1100	1150	1400
	таътиллар учун тўловлар												
1.3.	**Ижтимоий суғурта харажати**	*млн.сўм*		5956	3177	3610	4180	+570	115.7	950	970	1010	1250
1.4.	**Асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси:**	*млн.сўм*		11241	9524	10325	10550	+225	102.1	1500	2390	3090	3570
1.5.	**Бошқа харажатлар:**	*млн.сўм*		1673	1092	1322	1490	+168	112.7	570	720	1200	1960

Маҳсулот (хизмат) тури бўйича													
1.	**Маҳсулот номи-1**												
	битта бирлик												
	суммаси												
2.	**Маҳсулот номи-2**												
	битта бирлик												
	суммаси												
3.	**Маҳсулот номи-3**												
	битта бирлик												
	суммаси												
4.	**Маҳсулот номи-4**												
	битта бирлик												
	суммаси												

“Бухороиефтгазнармалаш” АЖ томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот (хизмат) таннархини камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар режаси

№	Йиллар	Ўлчов бирлиги	Таннархнинг ўртача камайиши	Шу жумладан, қуйидаги харажатлар ҳисобига									
				ишлаб чиқариш харажатлари							*билвосита харажатлар*		
					Шундан							*Шундан*	
				Жами	Энергоресурсларни тежаш	Хомашё ва материаллар харажатларини қисқартириш	Технологик ва бошқа йўқотишларни камайтириш	Ишлаб чиқаришдаги ишчи-ходимлар сонини мақбуллаштириш	Меҳнат ва асосий воситалар унумдорлигини ошириш ҳисобига харажатларни қисқартириш	Ишлаб чиқаришнинг бошқа харажатларини қисқартириш	Жами	Маъмурий бошқарув ходимларини сақлаш харажатларини қисқартириш	Бошқа устама харажатларни қисқартириш
I. Корхона бўйича													
1.	**2019й.** *(факт)*	%											
		млн.сўм		0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
2.	**2020й. 9 ойлик** *(факт)*	%											
		млн.сўм		0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
3.	**2020й.** *(кутилаётган)*	%											
		млн.сўм		0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
4.	**2020й.** *(режа)*	%											
		млн.сўм		0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

6.2.5 Пул оқимлари прогнози

№	Кўрсаткич номи	2019й.		2020й. 9 ойлик *(факт)*		2020й. *(кутилаётган)*		2021й. *(режа)*		*шу жумладан,*							
										1-чорак		2-чорак		3-чорак		4-чорак	
		кирим	*чиқим*	*кирим*	*чиқим*	*кирим*	*чиқим*	*кирим*	*чиқим*	*кирим*	*чиқим*	*кирим*	*чиқим*	*кирим*	*чиқим*	*кирим*	*чиқим*
1.	**Ҳисобот даври бошига қолдиқ**	1000															
	Операцион фаолият																
2.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) сотишдан тушум	142680		43752		52270		58700		9367		11564		15834		21794	
3.	Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари		103862		30100		27800		28500		4550		5615		7690		10590
4.	Иш хаки	356	35107	341	16686		23500		25900		5570		6100		6930		7300
5.	Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари	19455	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	Жами тушум	**163491**		**44093**		**52270**		**58700**		**9367**		**11564**		**15834**		**21794**	
	Инвестиция фаолияти																
6.	Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан:	20	160	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
	ускуналар																
	транспорт воситалари																
7.	Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш																
8.	Узоқ ва қиска муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш																
9.	Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари																
	Жами (кирим/чиқим)	**20**	**160**	**0**	**00**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**
	Молиявий фаолият																
10.	Олинган ва тўланган фоизлар																
11.	Олинган ва тўланган дивидендлар	0.5	22	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
